ЎСМИРЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ҚАДРИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Т. Сулаймонова, Ф. Қосимова

Мақолада ватанпарварлик қадриятининг хусусиятлари, бу қадриятни ўсмирларда шакллантириш масаласи тўғрисида фикр юритилади.

***Калит сўзлар**: қадрият, ватанпарварлик, ўз-ўзини англаш, миллий қадриятлар.*

В статье рассматриваются особенности патриотизма как духовной ценности и проблемы его формирования у подростков.

***Ключевые слова**: ценность, патриотизм, самосознание, национальные ценности.*

The article examines the peculiarities of patriotism as a spiritual value and the problem of its formation in adolescents.

***Key words:** value, patriotism, self-awareness, national values.*

Маълумки, ватанпарварлик қадриятлар тизимида муҳим ўрин эгаллайдиган қадриятдир. «Қадрият» тушунчаси энг умумий тарзда инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган нарсалар ва ҳодисаларни ифода этади. Ватанпарварлик қадрияти жамият шаклланиб, инсоният юзага келганидан бери унинг ижтимоий-маънавий ҳаётида алоҳида аҳамият касб этиб келган. Ватанпарварлик – умуминсоний ва миллий қадриятлардан бири сифатида инсоннинг ажралмас маънавий ва психологик хусусияти айланди.

Ватанпарварликни энг умумий маънода инсоннинг туғилиб ўсган юртига, ватанига, яқинларига ҳамда ватани билан боғлиқ бўлган барча ижобий жиҳатларга муҳаббат, тарихи ва бугунги куни учун ғурур, ўз манфаатларини ватан манфаатлари билан боғлиқликда ҳис қилиш, зарур бўлганда, ватан ҳаёти ва тақдирини ўз ҳаётидан устун қўйиш кабиларга асосланган психологик туйғу сифатида таърифлаш мумкин.

Ватанпарварлик эволюциясига назар солсак, унинг турли элатлар ва миллатларнинг шаклланиши жараёни билан боғлиқ ҳолда юзага келганлигини англаймиз. Бу туйғу бир миллат ва халқ вакилларининг келиб чиқиши, жамиятда эгаллаган иқтисодий-ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ватанга муҳаббат ва унинг манфаатлари асосида бирлаштиради ва ватан равнақи йўлида улкан яратувчи кучга айлантиради.

Бугунги тобора глобаллашиб бораётган замонда инсоннинг ўзи туғилиб ўсган ватанига, халқига, унинг тарихи, маданияти ва анъаналарига муносабати янада долзарблик касб этади. Чунки глобаллашув оқибатида маданий ва аксиологик унификация, вестернизация ва америкалашув каби ҳодисаларнинг тез суръатлар билан кенгайиб боришига ҳамда «дунё фуқароси» ғоясига ўхшаш ғояларга қарши тура олиши мумкин бўлган қадриятлардан бири бу ватанпарварликдир.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши, жамиятнинг тобора демократиялашуви, либерализм ғояларининг тарқалиши каби жараёнлар ўз-ўзидан очиқ жамиятнинг ривожланишига олиб келади. Модернизация шароитида чегараларнинг очилиши, иқтисодий, сиёсий ва маданий интеграция жараёнлари, жаҳонда тобора ягона таълим тизимининг шаклланиб бориши кабилар ёшлар онгида ватанпарварлик қадриятига нисбатан қисман негатив муносабатни ҳам юзага келтиради.

Ҳозирги даврда ёшлар онгида ватанпарварлик қадриятининг шаклланишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Улардан бири глобаллашув бўлса, иккинчиси, ахборотлашувдир. Компьютер технологиялари, Интернет каби замонавий технологиялар тараққиёти натижасида виртуал оламнинг юзага келиши ҳам ватанпарварлик қадриятининг қисман трансформациясига сабаб бўлди.

Жамият ахборотлашиб бораётган бугунги шароитда ижтимоий ҳаётда кўпчилик учун ватанпарварлик қадрияти унинг аксиологик онгидан баъзан табиий, баъзан мажбурий тарзда чиқарилиб юборилмоқда. Бу ҳолат ёшлар онгида ватанга нисбатан истеъмолчилик кайфиятининг шаклланишига олиб келиши билан бирга уларни маълум маънода ўзининг тарихий ўзакларидан йироқлаштиради. Бундай муаммонинг олдини олиш йўлларидан бири, бизнингча, ўсмирлар онгида ватанпарварлик қадриятини шакллантиришнинг самарали йўлларини излаб топишдан иборат.

Ёшларда, айниқса, ўсмирларда ватанпарварлик қадриятини шакллантириш ижтимоий ва этник психологиянинг муҳим муаммоси бўлиб, унинг ҳал этилиши ҳам амалий, ҳам назарий аҳамиятга эга. Мамлакатимизнинг келажаги бугунги ўсмир ёшларнинг позицияси, дунёқараши, қадриятлари, ватанга муҳаббати, фаоллиги каби жиҳатлари билан боғлиқ. Уларнинг танлаган позицияси маълум йиллар ўтиб, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида қандай ўрин эгаллашини белгилайди.

Қайд этилган масала ҳар томонлама мураккаб ҳисобланади. Чунки бугунги очиқ ахборот замонида, биринчидан, ёшларга турли таъсирларни ҳисобга олиш лозим. Иккинчи томондан, уларнинг онги ва психологияси, дунёқараши ўзгаришларга мойил, характери тўла шаклланмаган, эҳтиёжлари кўпроқ моддий, уларнинг қондирилиши эса «ҳозир ва шу ерда» тамойилига асосланган, уларда маънавий бойликдан кўра моддий бойликка интилишнинг устунлиги кабилар ватанпарварлик қадриятини шакллантиришни мураккаблаштиради.

Аслида ўсмирлар онгида ватанпарварлик қадриятини шакллантириш ҳақида гапирилганда, албатта, ўсмир ёшларнинг психологиясида янгиликларга очиқлик, оммавий маданият таъсирига мойиллик, кундалик турмуш тарзида комфорт ва замонавийликка интилиш кабиларнинг устунлигини ҳисобга олиш зарур.

Миллий қадриятлар, энг аввало, миллатнинг яшаш ҳудуди, турмуш шароитлари, табиати билан боғлиқликда шаклланади. Шунга кўра, туғилган ватан ва она юртга муҳаббат инсоннинг яшаш макони, ватанида шаклланади. «Ватанни севиш туйғуси инсон туғилиб вояга етган, у мансуб бўлган тарихий бирликнинг ўтмиши билан боғланган ижтимоий, иқтисодий, маданий муҳитга ва ҳудудга нисбатан бўлган муҳаббатдир. Бу бутун инсониятга хос умумий туйғудир. У ҳамма миллат ва-

киллари учун хос, уни бирор халқда кўпроқ, бошқасида камроқ ривожланган дейиш учун асос йўқ. Ватан туйғуси муайян тарихий бирликни вужудга келтирган ва сақлаб турадиган жойга нисбатан дунёга келган табиий-ижтимоий туйғудир. Бу эса ҳар қандай миллатга мансуб кишининг табиат билан чамбарчарс боғланганлиги ва башар фарзанди эканлигини исботлайди» [1.100].

Ўсмирларда ватанпарварлик қадриятини шакллантиришда муҳим ёндашувлардан бири тизимли ёндашувдир. Бу нуқтаи назардан ватанпарварлик қадриятини шакллантириш уларда умуминсоний қадриятларни шакллантириш билан бир қаторда диний, ахлоқий, тарбиявий, илмий, эстетик ва бошқа қадриятларни шакллантириш билан биргаликда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки санаб ўтилган қадриятлар ҳам ватанпарварлик ғояларини ифода этади.

Ўсмирларда ватанпарварлик қадриятини шакллантириш – бу тизимли, мақсадга йўналтирилган фаолият бўлиб, у ўсмирларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга қаратилган. Бир вақтнинг ўзида ўсмирларда бундай қадриятни шакллантириш ватанпарварлик туйғусига эга бўлган баркамол шахсни шакллантириш ва ривожлантириш ҳам ҳисобланади.

Ўсмирларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришни уларда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Яъни ижтимоий ҳаётида фаол бўлиш, ўзининг оиласи, маҳалла, жамоаси ҳамда жамиятга маълум фойда келтириш, жамиятда амалга ошаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдор бўлиш каби хусусиятлар ватанпарварлик қадриятини ривожлантиради. Чунки ўсмирларнинг ўз эгаллаб турган ўрнида – ўқишдами, ишдами, мамлакатда амалга ошаётган ижтимоий жараёнларнинг кузатувчиси бўлиб эмас, аксинча, фаол субъекти сифатида фаолият олиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бу масалага Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Шавкат Мирзиёев ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасида «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири асосида янгича ёндашувларни жорий қилиш орқали ишларимизни янгича босқичга кўтарамиз, деб таъкидлади. Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциациясини тузиш масаласи ҳам, юртбошимизнинг айтишича, ватандан узоқда, чет элларда яшаб меҳнат қилаётган ва ўқиётган ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган [2].

Ватанпарварлик туйғусини шакллантириш яна ўзи яшаётган Ватан учун масъулият ва жавобгарлик туйғусини шакллантириш билан ҳам боғлиқ. «Ватан туйғусини кишиларнинг ўзи мансуб бўлган тарихий борлиқ шаклланишига муайян даражада таъсир кўрсатган ҳудудга нисбатан маънавий қарздорлиги, бурч ва масъулияти билан боғлиқ ижтимоий туйғулари намоён бўлади. Ватан – ана шундай туйғуни уйғота олгани учун ҳам қадрият-дир» [1.101].

Ватанпарварлик ўзликни англашнинг, миллий ўзликни англашнинг ҳам шарти ҳисобланади. Чунки ўзлигини англаган шахс ватанида, жамиятда бўлаётган ҳодисаларга ва амалга ошаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмаган шахсдир. Бундай шахс ўз ватанининг тақдири ва келажагига бефарқ эмас. Чунки у ўзини ватан ва миллатнинг бир бўлаги сифатида идентификация қилади.

Миллатлар ва маданиятлар ўртасидаги муносабатларнинг кенгайиши ва ривожланиб бориши шахснинг онги, дунёқараши, маънавий дунёсини, сўзсиз, бойитади. Шу билан бирга, бундай муносабатлар шахснинг бошқа маданият билан мулоқотининг натижаси сифатида уни тобора таъсир этаётган маданиятнинг ичига кириб боришини тезлаштиради.

Ҳар томондан бўлаётган турли таъсирлар ва ўзгача маданий муҳит ичида миллий хусусият ва белгиларни сақлаб қолиш қийин. Бугунги бозор иқтисодиёти ва кишиларнинг бошқа давлатларга бориб ишлаши, дам олиши, умуман, ўзга юртларда яшаши оддий ҳолга айланиб бораётган шароитда шахснинг турли маданиятлар таъсирида шаклланиб бориши табиий. Миллий хусусиятларнинг маълум даражада камайиб бориши ёки сақланиб қолиши кўп жиҳатдан миллий онгнинг ва унда ватанпарварликнинг акс этиши даражаси билан боғлиқ.

Шароит тақозоси билан турли маданиятлар таъсирида шаклланган шахс ўзида бошқа маданиятларнинг жиҳатларини, элементларини ифода этади. Давлатлараро ва маданиятлараро муносабатларнинг тобора кенгайиб бориши, оммавий матбуот, телевидение ва коммуникатив технологияларнинг ривожланиши эса ушбу жараённи янада тезлаштиради. Қайд этилган бундай жараённинг шахс билан боғлиқ бўлган натижаларидан бири сифатида шахснинг тобора маргиналлашиб бориши ҳодисасини айтиб ўтиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, ватанпарварликнинг асосида миллатчилик элементлари ётади, деб айтиш мумкин. Маълум меъёрларгача бўлган миллатчилик аслида ижобий хусусият. Чунки ўз миллатига муҳаббат, уни кўкларга кўтариш, унинг учун хизмат қилиш ва ҳ.к. ватанпарварлик-

нинг белгиси. Лекин ўз миллатини кўкларга кўтариб, бошқа миллатларни камситиш миллатчиликнинг салбий жиҳатлари намоён бўлишига, баъзан миллий экстремизмнинг шаклланишига ҳам олиб келиши мумкин. Ҳозирги кунда Украинада, Болтиқ бўйи мамлакатларида бўлаётган сиёсий жараёнлар бунга мисол бўла олади.

Миллатга бўлган муҳаббат толерантлик билан уйғунлашиши мақсадга мувофиқ. Чунки ҳозирги даврда ҳеч қайси мамлакатнинг аҳолиси битта миллатга мансуб бўлган кишилардан иборат эмас. Жумладан, Ўзбекистонда юздан ортиқ миллатлар ва элатлар ҳамда 15 та диний конфессия вакиллари истиқомат қиладилар. Халқимизнинг онгида ва психологиясида ватанпарварлик билан бирга толерантлик қадрияти ҳам чуқур акс этган. Бу ҳолат мамлакатимизда миллатчилик негизида ҳеч қачон можаролар ёки конфликтлар бўлмаганида ҳам кўринади.

Ватанпарварлик қадриятини шакллантириш яна ахлоқий, диний ва маънавий тарбияга ҳам асосланади. Чунки ватанпарварлик ўзи ахлоқийликнинг белгиси ҳисобланади. «Ватанпарварлик фуқароларнинг миллий ўзлигини англашининг элементи бўлиб, у ўз Ватанига, унинг тарихи, маданияти, анъаналари ва турмуш тарзига муҳаббат, ғурур ва унга содиқлик, уни ҳимоя қилишга қаратилган ахлоқий бурч туйғулари орқали ҳамда бошқа халқларнинг ўзига хослигини ва ўзгача қадриятлигини тан олиш, уларнинг ўзгачалик ҳуқуқини ва ўзаро конфронтациясиз яшаш ҳуқуқини англаш орқали ифода этади» [3. 314].

Кўриниб турибдики, ватанпарварлик миллий ахлоқий қадриятларнинг элементи сифатида бошқа миллатлар ва уларнинг маданиятига нисбатан толерантлик ва байналминаллик билан ёнма-ён бориши зарур экан.

Маълумки, юқорида қайд этилган қадриятлар маънавият тизимининг муҳим элементлари ҳисобланади. Улар жамият ва миллат ҳаётида муҳим аҳамиятга эгалиги, қадрлилиги учун ҳам қадриятдир. Бундай қадриятларсиз миллатнинг этностатуси ҳамда мавжудлиги ҳам хавф остида қолади. Чунки ватанпарварлик, миллий маданият, анъаналар, тил, миллат тарихи, онги ва бошқалар миллат мавжудлиги ва тараққиётининг асосий омилларидир. Шу сабабли уларни сақлаб қолиш, эҳтиётлаш ва ривожлантириш миллат келажагини ҳам белгилаб беради.

Ватанпарварлик тарихий тараққиётнинг мураккаб даврларида, жумладан, уруш йилларида, қийинчилик даврларида яратувчилик потенциали бўлиб хизмат қилади, жамият аъзоларини бирлаштиради. Ватанпарварлик «... шундай маънавий кучки, у жамият бирлигини: тил, миллий маданият, тарихий анъаналар туйғуси ва ворисийлик, диннинг миллий жиҳатларини, ҳудудларнинг бутунлиги ва дахлсизлигини қўллаб-қувватлайдиган потенциал ва омилларни ҳаракатга келтиради. Шунга кўра ватанпарварликнинг сусайиши – жамият турғунлигининг ишончли белгиси, унинг сунъий бузилиши эса халқнинг йўқолиб кетишига олиб келувчи йўлдир» [3.114].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўсмирларда ватанпарварлик қадриятини шакллантириш фақат тарбиявий аҳамиятгагина эмас, балки жамиятимиз келажак тараққиётига молик бўлган стратегик аҳамиятга эга муаммолардан биридир. Бу муаммони тўғри ҳал этиш мамлакатимиз прогрессив тараққиётига хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (аксиология).- Т.: Фаласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004.

2.Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. // Халқ сўзи.- 2017/- 22 декабрь.

3.Кондратенко Е.В. Гражданское воспитание в современной гимназии: личностно-ориентированный подход.- Йошкар-Ола: МарГУ, 2009.

Андижон давлат университети,
2017 йил 12 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Ортиқова)